ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА УНИ ЯХШИЛАШДА ИҲОТАЗОРЛАРНИНГ ЎРНИ

УДК: 630*116.4

Ҳ.Ф. Ҳамроев

Тошкент давлат аграр университети, Тошкент

Ўзбекистон ҳудудидаги яйлов сифатида фойдаланилаётган майдонларнинг 17,4 млн гектари чўл минтақасига тўғри келади. Сўнги 15 – 20 йил мобайнида кўчма чорвачиликда яйловлардан белгиланган меъёрларда фойдаланилмаслик ва антропоген таъсирлар натижасида чорва озуқаси ҳажмининг камайиши содир бўлмоқда. Ҳозирги вақтда мавжуд чўл яйловларнинг маҳсулдорлиги йилига ўртача 1,5% камайиб бормоқда. Бу эса йилига 16,5 ва 20 йил мобайнида 465 минг гектар яйлов майдонлари деградацияга учраганлигини билдиради [1].

Ушбу ҳолат яйловлардан фойдаланишдаги қийинчиликларни вужудга келтирмоқда. Дашт ва ярим дашт ҳудудларидаги яйловлар йил давомида фойдаланишга яроқли бўлиб, энг арзон ем-хашак берувчи манба ҳисобланади. Лекин уларнинг маҳсулдорлиги жуда кам (1-3 центнер/га). Чорва моллар маҳсулотлари сифатини ошириш ва уларнинг сонини кўпайтиришда табиий яйловзорларни фито ва ўрмон мелиоратив усуллардан фойдаланиб маҳсулдорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир [2-3].

Табиий яйловлар атрофида ўрмон иҳотазорлари барпо этиб сунъий фитоценозлар ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Иҳотазорлар табиатнинг бир қатор ноқулай омилларининг таъсирини (шамол тезлиги, ҳаво ҳарорати, тупроқ ва ҳаво намлиги) камайтириб маҳсулдорликни ошириши кўплаб тажрибаларда аниқланган. Жумладан, иҳотазорлар барпо этиш орқали суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги ортса, тоғли минтақаларда барпо этилган иҳотазорлар қор, ёмғирларнинг бир меъёрда тақсимланишини тартибга солади, чўлли ҳудудларда барпо этилган

иҳотазорлар эса шамол таъсирида қум кўчишини олдини олади, микроиқлимни яхшилайди ва яйловларда ўсаётган ўсимликларни ривожланиши учун қулай шароит яратади.

Яйловларда иҳотазорлар ва мелиоратив – озуқа қаторали барпо этиш ишларини амалга оширишда қора саксовул, черкез, қизилқандим, терескен ва чогон каби ўсимликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки чўл ҳудудларидаги иҳота ва мелиоратив-озуқа қаторлар иккита функцияни бажаради. Биринчидан, дефляция жараёнларини тўхтатиб, иҳотазорлар орасидаги ўсимликлар ўсиши учун қулай микроиқлим вужудга келтиради, иккинчидан, фитомелиорантларнинг бир йиллик новда, уруғ ва меваси қўшимча озуқа ҳисобланади.

Иҳотазорлар таъсирида микроиқлим ҳосил бўлиши кўплаб омилларга (дарахтзор тур таркиби, унинг тузилиши, ҳолати, ўлчамлари, шамол тезлиги, қуёш радиацияси ва бошқалар) боғлиқ. Иҳотазор таъсирида микроиқлимнинг ўзгариши табиий ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун фойдалидир. Жанубиий Қизилқумдаги кўп йиллик изланишлар ўсимликлар очиқ майдондагига нисбатан вегетация даврини 10 - 15 кун олдин бошланганлиги ва яйлов маҳсулдорлигини 55 - 65% га ошганлиги аниқланди.

Кўплаб ҳолларда иҳотазорларнинг шамолдан ҳимоялаш хусусияти фитоценозлардаги микроиқлимнинг шаклланишида асосий омил эканлиги аниқланди. Шамол тезлиги иҳотазордан 2H масофада 65 - 67% га, 5H масофада эса 54 - 55% га камайгани кузатилди. Бу масофаларда (иҳотазордан 2H ва 5H масофаларда) ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига ҳамда микроиқлим элементларининг шаклланишига кескин таъсир кўрсатадиган ҳаво ҳарорати ҳам кузатилди. Бу масофаларда ҳаво ҳарорати ўртача 0,7 - 2,4^{0}C га кам бўлди. Бу ерларда кўп йиллик ўтлар ва буталар кенг тарқалган бўлиб, баҳор мавсумида эфемер ва эфемероидлар кўплаб ўсиб ривожланди.

Иҳотазор таъсирида қулай микроиқлимнинг ҳосил бўлиши яйловлардаги маҳсулдорлик ортишига сабаб бўлди. Жумладан, ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқлардаги яйлов ҳосилдорлиги агрофитоценоз таркибидаги ўрмон экинлар ва фитомелиорантларга боғлиқ бўлиб, об-ҳаво қулай йилларнинг кузида 1250 кг/га, сур-қўнғир тупроқларда 675 кг/га чорва моллари истеъмол қиладиган қуруқ фитомасса 506 ва 262 озуқа бирлиги кг/га га тенг бўлди.

Иҳота дарахтзорлари таъсирида табиий ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши яхшиланди, агрофитоценозларда маҳсулдорлик 165% гача кўпайди ва ёз-куз мавсумида озуқа заҳираси 50 - 70% га ўсди. Иҳота дарахтзорлар ва мелиоратив - озуқа қаторлари таъсирида иҳотазорлар орасидаги буталар табиий тикланиши учун уруғлар экиш катта аҳамият касб этди. Агрофитоценозлар озуқа заҳирасининг шаклланиш балансида мелиоратив - озуқа иҳотазорлар элементлари: қора саксовул 40 - 70%, чогон 30 - 50%, терескен 0.1 - 1% ни ташкил этди.

Ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли ва сур - қўнғир тупроқли яйловларда, механик таркиби оғир бўлган шўрланган тупроқларда, қаторли ва паст тепаликли қумларда фито ва ўрмон мелиорация ёрдамида мелиоратив - озуқа қаторлари барпо этилишидан ижобий натижалар олиш мумкин. Сур - қўнғир тупроқларда асосий компонент сифатида қора саксовул ва чогон танлаб олинди. Паст тепаликли ва қаторли қумларда қора саксовул, черкез, чогон ва терескен экиш мақсадга мувофиқдир. Иҳотазорларга майда бута ва чала буталар уруғи мавжуд бўлмасдан бир икки турдан барпо этиш билан барча компонентдан 42 - 88% озуқа массаси олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Акджигитова Н.И., Капустина Л.А., Муталов К.А. Трансформация пастбищной растительности под влиянием антропогенного пресса.// Проблема освоения пустынь, 1994. -№3.–стр. 66-70.

2. Ҳамроқулов Р.Х., Белолипов К.В., Фармонов Э.Т. Ўзбекистон табиий яйловлари ва уларнинг ҳолати // Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент: ТошДАУ, 2009 – 112-115 бет.
3. Маҳмудов М.М., Ҳайдаров Қ., Маҳмудова Г. Қизилқум яйловларини яхшилаш усуллари ва фитомелиорация афзалликлари. // “Яйловлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асослари” мавзусидаги республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент 2009. 3 - 6 б.